



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 249 – 250 (13.062 – 13.063)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Урмонов олган суратлар

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ОЛАМ-ОЛАМ

**“Туркистон” саройида 29 декабрь куни
“Президент арчаси” тантаналари бошланди**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини асраш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимининг мазмунини янада юксалтириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этаётди. Бу қатъиятли, мустақил фикрли, ҳал қилувчи кучга эга ёшларимизнинг фаоллигида, эришяётган муваффақиятларида намоён бўлмоқда. Берилаётган имкониятлар самарасида ёш авлоднинг онгу тафаккури, дунёқарashi, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда.

Ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашда таълим тизимининг мазмунини янада юксалтириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этаётди. Бу қатъиятли, мустақил фикрли, ҳал қилувчи кучга эга ёшларимизнинг фаоллигида, эришяётган муваффақиятларида намоён бўлмоқда. Берилаётган имкониятлар самарасида ёш авлоднинг онгу тафаккури, дунёқарashi, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёшлар истеъдодини юзага чиқариш, тўлақонли билим олиши, ўзи истagan касб эгаси бўлишига қаратилган дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда, – дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Мунира Орифжонова. – Бу фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди. Муассасамизда яратилган шарт-шароитлар болаларнинг жамиятга фаол интеграциялашуви, ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу байрамга бағишлаб шеърлар ёд олдим, кўшиқлар ўргандим, – дейди “SOS – болалар маҳалласи” тарбияланувчиси Элнора Абдуқаҳҳорова. – Дўстларим билан арча атрофида мазза қилиб рақсга тушдик, қувноқ ўйинларда иштирок этдик. Бундай завқли байрам, яратилган имкониятлар учун Президентимиздан миннатдоримиз.

“Туркистон” саройининг байрамона безатилган фойеси кўзалари ҳайрат ва ҳавасга тўла болаларнинг шодон кулгиси билан тўлган. Қорбобо ва Қорқиз шеър кушиқлар айтаётган, топқир, зеҳнли ва зийрак ўғил-қизларга совғалар улашмоқда.

Чиндан-да юртимизда ҳар томонлама баркамол, саноатли фарзандлар вояга етиши учун кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон айна шундай ёшларни, ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ёш авлодни тарбияламоқда. Улар шу юртининг келажагидир.

Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилган мард ўғлонларимизнинг жасорати навқирон ўғил-қизларга ўрнақдир. Ушбу байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатган, хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган, “Мардлик” ордени ва “Жасорат” медали билан тақдирланган Баҳром Эргашевнинг фарзандлари ҳам иштирок этди.

– Янги йил байрамини жуда яхши кўраман, – дейди унинг ўғли Сардор. – Келажақда Ватан ҳимоячиси бўлиш ниятидаман. Отам каби шу юртга, халқимга нафим тегса дейман.

Бир-биридан қизиқарли саҳна кўринишлари, кичкинтойлар иштирокидаги турли ўйинлар, савол-жавоблардан барча завққа тўлади. Эстрада ижрочиларининг куй-кўшиқлари болаларни рақсга чорласа, цирк усталари намоийш этган қизиқарли дастур уларнинг ҳайратини оширмоқда.

Арча атрофидаги томошалар, байрам шодиёналари давом этади. Кичкинтойлар учун “Томоша” болалар мусикий театр-студияси томонидан тайёрланган “Меҳримизда сехримиз” театрлаштирилган мусикий дастури намоийш этилди. Мазкур дастур ўғил-қизларнинг дунёқарашини кенгайтириш, салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ШОД-ХУРРАМЛИК МУҲИТИДА

**“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш
маркази “Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2015”
мавзусида ижтимоий тадқиқот ўтказди.**

Ушбу сўровда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари – давлат хизматчилари, тадбиркор ва фермерлар, талаба-ёшлар, ишчилар, пенсионерлар, барча миллат ва диний конфессиялар вакиллари иштирок этди.

Тадқиқот давомида маълум бўлишича, Президентимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинган 2015 йил мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация ва ислоҳ қилиш борасида самарали йил бўлди. Фуқароларнинг фикрича, якунига етаётган йил иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада янгилаш, баркамол авлод тарбияси, кексалар ва фахрлиларга ғамхўрлик кўрсатиш

нуқтаи назаридан, мамлакатимиз ва ҳар бир оила ҳаётида унутилмас из қолдирган.

Сўров натижаларига кўра, 2015 йил юртдошларимизнинг 90,8 фоизи учун барқарор ва самарали йил бўлди. Жамиятимизда социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳолатдан қониқиб бўйича ижобий муҳит ва яхши кайфият ҳукм сурди. Сўровда иштирок этганлар бундан энг аввало аҳоли фаровонлиги ҳолини ва турмуш шароитлари яшилгангани, шунингдек, эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамлиги билан изоҳлайди.

Иштирокчиларнинг фикрича, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришилди.

Чунончи, 2015 йилда оилаларнинг моддий таъминоти мустаҳкамланиб, турар-жой шароитлари ва турмуш сифати янада яхшиланди. Аксарият юртдошларимиз ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар Президентимиз томонидан Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган 2016 йилда сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига ишонади.

Сўров жараёнида аҳолининг пул жамғармалари ҳажми ошаётгани маълум бўлгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Улар жамғармалар ҳисобидан узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар, қимматбаҳо кўчмас мулк харид қилмоқда, фарзандлари таълим-тарбиясига маблағ сарфламоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг қарийб 60 фоизи оиласида автомобиль, 80 фоиздан ортиғи эса замонавий маиший-техника ва узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар мавжудлигини қайд этди.

(Давоми 2-бетда)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ОСОЙИШТА МАМЛАКАТНИНГ БАЙРАМЛАРИ ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

Янги йил келишига оз фурсат қолди. Ҳамма Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг кунлари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган хорижлик сайёҳлар ҳам таъкидлашмоқда. ЎЗА мухбирлари уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

Жин Хо ПАН (Жанубий Корея):

– Инсон ҳаётда бахтли яшаши учун энг муҳим ва асосий омил ҳаловат, хотиржамликдир. Ўзбекистон Президенти юритаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатингиз ана шундай тинч, сайёҳлар учун энг хавфсиз давлатга айланган.

Бугун Ўзбекистонни бутун дунё яхши билади. Эртанги кунда шаҳарларингизни келиб қўришни, бағрикенг халқингиз тарихи, маданияти, урф-одатлари билан танишишни орзу қилувчилар кўп. Мамлакатингизда сайёҳлик инфратузилмаси ривожланаётгани, қўллаб-қамраб қилинган меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар барпо этилаётгани бу интилишни амалга ошириш учун кенг имконият яратмоқда.

Мен ҳам ҳамма учун сеvimли байрам – Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан хурсандман.

Арун ПРАКАШ (Ҳиндистон):

– Ўзбек халқи жуда меҳмондўст, очиққўнғил ва бағрикенг. Шу боис Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қиламан. Ўзбек ва ҳинд халқлари қадимдан дўстлик ришталари билан боғланган, маданиятимиз, урф-одат ва қадриятларимизнинг ўхшаш жиҳатлари кўп.

Мамлакатингизда Янги йил айёми арафасида болалар учун турли томошалар, байрам кечалари ўтказилиб, уларга Президент совғалари топширилишини эшитиб гоят қувондим. Бу каби ҳайрли тадбирлар кичкинтойлар қалбини олам-олам қувончга тўлдирди шубҳасиз.

Мартин НОЙМАНН (Германия):

– Янги йилни чет элда кутиб олишни кўпдан орзу қилар эдим. Шу мақсадда турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан Ўзбекистонга келдик. Иштирок бoғларидаги турли аттракционлар, театр ва супермаркетлардаги байрам акциялари болаларимга жуда ёқмоқда.

Ўзбекистоннинг кўркми ва қадимий шаҳарлари жаҳон сайёҳларини ўзига чорламоқда. Юртингиздаги тарихий ёдгорликлар ва замонавий шаҳарларни томоша қилиш, халқингизнинг ранг-баранг маданияти ва анъаналари билан танишиш, табиатингизнинг мафтункор ва сержило манзараларидан баҳра олиш кишига беқиёс завқ бағишлайди.

Янги йил ҳар бир оилага бахт ва омад, хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилайман.

Бернард БЛОМФИЛД (Англия):

– Бундан тўрт йил олдин Янги йилни дўстларим билан бирга Ўзбекистонда кутиб олган эдик. Ўша байрам завқи гоят ўзгача, унутилмас бўлганди. Ўтган вақт давомида бу диёрнинг самимий, дўстона муҳитини жуда қўсқадим ва 2016 йилни ҳам Ўзбекистонда кутиб олиш учун бу ерга оилам билан келдим. Мамлакатингизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тараддуд қўрилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Тошкентнинг ҳар бир қадамида Янги йил байрами шукўн ҳукм сурмоқда. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арчалар, кўзни қамаштирувчи турфа чиқоқлар ва декорациялар Янги йил олдиндан одамлар қалбига кўтаринкилик бахш этмоқда. Байрамни юксак савияда, тинч ва осойишта, ҳамжиҳатликда ўтказиш учун барча хавфсизлик чоралари қўрилгани бизни қувонтирмоқда.

Мориц КОЛЛЕР (Австрия):

– Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби қадим шаҳарларни ойнаи жаҳон ва интернет орқали томоша қилиб, бу ерга келишни ният қилган эдим. Ниятимга етганимдан жуда бахтиёрман. Юртингизнинг бунчалар машҳурлиги бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Тошкентга келишим билан байрам шукўнни ҳис этдим. Меҳмонхоналарда, супермаркет ва дўконларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар киши кўзини қувонтиради. Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли хордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман. Зотан, тинч ва осойишта мамлакатнинг байрамлари гўзал бўлади.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● “Президент арчаси” тадбирлари Фарғонада ҳам юқори савияда ташкил этилди. “Алибобонинг янги саргузаштлари” деб номланган байрам дастурида турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган томошалар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, таълим муассасалари қошидаги бадийий жамоалар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар, айниқса, Президент совғасини олиш болакайларга унутилмас онларни ҳадя этди.

● Нукусда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш масаласига бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ахборот ва коммуникация технологиялари ривожлантириш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда банк тизими, солиқ идоралари ходимлари, жойлардаги “Ягона дарча” марказлари раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

● Фарғонада “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида ўтказилган байрам тадбирида вилоятда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ходимлари, турли миллат вакиллари иштирок этди. Қорбобо ва Қорқизнинг чиқиши, қизиқарли дастурлар барчага шодлик улашди. Тадбирда миллий маданият марказлари бадийий жамоалари, санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намоийш этилди.

● Жиззах шаҳридаги “Сўғдиёна” марказий стадионида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган оммавий спорт байрамиди 5 мингга яқин спортчи ва спорт ишқибози иштирок этди.

● Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан кам таъминланган оилалар, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун Янги йил байрами томошалари ташкил этилди.



● Хитойнинг Шеньдун музофотида жойлашган “Юйжун” компаниясига тегишли бўлган гипс қазиб чиқариладиган конда шахтанинг босиб қолиши натижасида қутқарувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан 11 нафар одам қутқариб қолинди, 18 нафар киши эса шахтада қолиб кетди.

● Шимолий Американинг Флорида штатида жойлашган Goldsmith Jewelry and Engraving заргарлик дўкони ходимлари ақл бовар қилмайдиган ишга қўл урдилар. Чунончи, ушбу дўкондан 450 доллардан юқори суммада қимматбаҳо буюмлар харид қилаётган ҳар бир мижозга 12 калибрли милтиқ совға қилинмоқда.

Куни кеча маҳаллий матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишнинг асосий йўналишларини аниқлаш, фуқаролар, ташкилотлар, чет эл фуқаролари билан ўзаро ҳамкорликда давлат органларининг фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш, давлат бошқарувининг самарадорлиги, ошқоралиги ва очиқлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш қўламини кенгайтириш, электрон ҳукуматни шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг ахборотини излаш, олиш ва уни тарқатиш бўйича ҳуқуқлари кафолатлангани соҳадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, электрон ҳукуматни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлаш мақсадида “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида ахборот-технологиялари хизматлари ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробарга ўсди. Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олувчи узунлиги 18 минг километрдан ортиқ оптик алоқа тармоқлари барпо этилди. Республика магистрал тармоқларининг ўтказувчанлик қобилияти вилоятлар марказларига 4 баробарга, қўшма вилоят марказларига 10 баробарга ошди.

Мамлакатимизда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисmini ташкил этмоқда. Уларнинг 8 миллионга яқини интернетдан мобил телефон орқали фойдаланмоқда.

Республикаимизда жаҳон ахборот тармоғининг ўтказувчанлик даражаси 2 баробар оширилди. Интернетга улаш эса 1,7 баробарга тезлашди.

Шу йилнинг ўзига 785 та янги базавий мобил алоқа станциялари ўрнатилди. Бунинг ҳисобига мобил абонентлари сони 20 миллион 500 минг кишидан ошди. Уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми эса қарийб 126 фоизга кўпайди.

Пировадда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Биргина мисол: барча таълим муассасалари 100 мингдан ортиқ таълим ресурсларини ўз ичига олган — ZivNet таълим тармоғига уланди. Ёшларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли таълим олиш имкониятлари яратилди.

Давлат органларида 320 дан ортиқ давлат ахборот ресурслари ва 465 дан ортиқ давлат ахборот тизимлари жорий қилинди. Аҳоли ва тadbirkorларга хизмат кўрсатишда қўлайликлар яратилди.

2013 йилда жорий қилинган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қанчадан-қанча аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил қилувчи 250 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатила бошланди. Ушбу хизматлар аҳамиятини ўтган давр мобайнида фой-

даланувчилар томонидан порталга 390 минг мартаба мурожаат қилинганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда кенг аҳоли қатлами ҳамда тadbirkorлик субъектларининг манфаатларини ҳисобга олиш учун махсус портал жорий қилинди. Ўтган давр мобайнида 73 та давлат органининг порталга жойлаштирилган 237 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаси бўйича фойдаланувчилар томонидан 350 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бу эса, норматив ҳужжатлар сифатининг янада ошишига, уларда давлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга, шунингдек, аҳоли барча қатламларининг манфаатлари қамраб олиншини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда аҳолининг электрон давлат хизматларига бўлган ишончи тобора ошиб, электрон рақамли имзо

Қарор ва ижро

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

калитларига эга аҳоли ва тadbirkorларнинг сони ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ўсди ва улар 1 миллион 400 минг нафарни ташкил этди.

Мамлакатимизда электрон ҳукуматни шакллантириш янада тезлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида илгор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, электрон ҳукумат соҳасида мамлакатлар ичида бир неча йиллардан бери етакчилик қилиб келаётган Жанубий Корея билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Улар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этилди. Мазкур олий ўқув юртида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Шунингдек, пойтахтдаги барча туман ҳокимликлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Компьютерлаштириш маркази орқали ягона электрон тизимга улангани ҳужжатлар айланишининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини кўрсатишда аҳоли ва тadbirkorлар манфаатларини қўллаш, уларга кенг қўлайликлар яратиш, уларнинг вақтларини тежаш, беҳуда овозгарчиликлар ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

Қонун электрон давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиди.

Қонунда унинг мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалари, электрон ҳукуматнинг асосий принциплари, унинг ишини ташкиллаштириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишга қўйилаётган талабларга оид нормалар белгиланган. Шунингдек, Қонунда электрон ҳукумат инфра-

тузилмаси, бу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат органларининг электрон ҳукумат доирасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид муносабатлар тартибга солинган.

Электрон ҳукумат, давлат хизмати, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизмати, электрон давлат хизматининг регламенти, электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилмоқда ва уларга тегишли таъриф берилмоқда.

Қонунда электрон ҳукумат тизимининг асосий принциплари мустахкамланган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши, “бир дарча” принципи бўйича электрон давлат хизматларини кўрсатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принциплар шулар жумласидандир.

Қонунда белгиланганидек, ахборот давлат хизмати аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган бўлиб, бунда давлат органлари ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб боради.

Интерактив давлат хизматининг жорий қилиниши эса, аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик сифатининг ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қонунда электрон давлат хизматларининг сифатини баҳолаш тартиби ҳамда баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда давлат органларининг электрон давлат хизматларининг сифатини ошириш чораларини кўриш учун мажбурлиги белгиланган. Бу эса давлат хизматларини кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириш принципи мисоли бўлади.

Қонуннинг маъқулланиши ва кучга кириши орқали қуйидаги натижаларга эришилади:

Биринчидан, Мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилиб, иқтисодий, маданий, илм-фан, маданият, спорт, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни юксак баҳолайди. Юртдошларимиз мустақиллик йилларида мамлакатимиз тинчлик ва осойишталик, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлигини асраш борасида эришган ютуқларини юксак қадрлайди. Бу кўрсаткич ўтган йиллардаги каби 2015 йилда ҳам 90 фоиздан ортиқни ташкил қилди.

Аҳоли Президентимиз раҳнамолигида узокни кўлаб амалга оширилаётган ички ва ташқи сўбаста туфайли ушбу ютуқларга эришилаётганини яхши англайди. Сўбаста туфайли кўрсаткичи, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2016 йили “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади”, деган эзгу гоя чўқур сингдирилган Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши фуқаролар томонидан қириб келаётган йил мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётида юксак марралар қўлга киритилганидан, тинчлик-оқойишталик, фаровонлик ва мўлқ-қўлчилик, самарали ва термазмун йилга айланишининг кафолати сифатида қабул қилинди. Мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янада ислох этиш ва демократлаштириш жараёнини янги даражага кўтариш 2016 йилдаги энг устувор вазифа бўлади.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуннинг кучга кириши юқорида санаб ўтилган натижалар билан биргаликда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан чет эл инвесторларини жалб қилишга, халқ фаровонлиги, юрт раванқини янада оширишга, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда ушбу Қонунни жамият тараққиёти сари дадил қўйилган қадамлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Агрепина ШИН,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ШОД-ХУРРАМЛИК МУҲИТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ижтимоий сўров фуқароларимиз ва уларнинг оилалари учун долзарб бўлган масалаларни аниқлаш имконини берди. Сўров натижалари шундан далолат берадики, 2013-2014 йилларда ўтказилган тадқиқотлар билан таққосланганда, 2015 йилда ақсарият кўрсаткичлар бўйича вазият яхшилланган. Амалга оширилаётган ислохотлар самарасида оилаларнинг мулқ-қўлчилиги (90 фоиздан ортиғи) шахсий уй-жойи ёхуд квартирасига эга. Тадқиқот натижаларига кўра, 2015 йилда коммунал хизматлар бўйича фуқароларнинг қардорлиги қамайган, замонавий таълим, иш ҳақини ўз вақтида олиш, уй-жой, квартира ҳолатини сифатли таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилган. Сўров натижалари мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган сиёсат самарадорлигидан далолат беради.

Ижтимоий сўров натижалари “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирларга аҳоли томонидан юксак баҳо берилганини кўрсатди. Чунончи, фуқароларнинг 96,5 фоизи кекса авлод вақилларига бўлган эътибор ва эҳтиромни янада кучайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ижобий қабул қилди. Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар миқдорининг оширилиши, мақсади субсидиялар ажратилиши, хусусан, манзилли моддий ва ижтимоий ёрдамлар ҳисобига кекса ёшдаги инсонлар турмуш даражаси сезиларли оширилган, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ижтимоий-маиший шароитлари яхшиланиши сўров иштирокчилари томонидан қайд этилди. Айни пайтда респондентлар фахрийлар ва ёши улғу инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш сифати ошиб бораётганига юқори баҳо берди.

Фуқароларнинг ақсарият қўлчилиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, иқтисодиёт, транспорт, илм-фан, маданият, спорт, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни юксак баҳолайди. Юртдошларимиз мустақиллик йилларида мамлакатимиз тинчлик ва осойишталик, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлигини асраш борасида эришган ютуқларини юксак қадрлайди. Бу кўрсаткич ўтган йиллардаги каби 2015 йилда ҳам 90 фоиздан ортиқни ташкил қилди. Аҳоли Президентимиз раҳнамолигида узокни кўлаб амалга оширилаётган ички ва ташқи сўбаста туфайли ушбу ютуқларга эришилаётганини яхши англайди.

Сўров шунинг кўрсаткичи, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2016 йили “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади”, деган эзгу гоя чўқур сингдирилган Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши фуқаролар томонидан қириб келаётган йил мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётида юксак марралар қўлга киритилганидан, тинчлик-оқойишталик, фаровонлик ва мўлқ-қўлчилик, самарали ва термазмун йилга айланишининг кафолати сифатида қабул қилинди. Мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янада ислох этиш ва демократлаштириш жараёнини янги даражага кўтариш 2016 йилдаги энг устувор вазифа бўлади.

“Ижтимоий фикр” маркази
материаллари асосида
ЎЗА мухбири
Меҳрибон МАМЕТОВА тайёрлади.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг тadbirkorлик субъектлари ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Мазкур йўналишда ҳўжалик судлари томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес вақиллари, фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, етказилган моддий зарарларни ундириш билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланилаётгани шу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошираётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида ташкил этилган “Адолат — қонун устуворлигида” мавзусидаги тadbirkor шуллар ҳақида сўз юритилди.

Олий ҳўжалик суди раиси К.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ювларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган қонун ҳўжатлари соҳа вақилларига янада қўлай шароит яратмоқда.

2015 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига хусусий мулкни, тadbirkorлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киратиш тўғрисида”ги қонун суд органларининг масъулиятини янада оширди. Ҳўжалик судларига тааллуқли ишлар доираси кенгайтирилиб, меҳнатга оид низолардан ташқари барча корпоратив низолар ҳўжалик судлари томонидан қўриб чиқиши ҳамда ҳўжалик ишларини тезкорлик билан қўриб чиқиш белгиланди. Бу ишларни янада сифатли қўриб чиқиш ва мазкур соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш имкониятини яратди.

Бу каби имкониятлардан тadbirkorлик субъектлари, кичик бизнес вақилларининг унумли фойдаланишини таъминлаш мақсадида соҳага оид қонун ҳўжатлари моҳияти, улардан амалда қандай фойдаланиш кераклиги хусусида газета ва журналлар, телерадиоканаллар ва интернет сайтларга қўллаб мақола, кўрсатув ва эштитиришлар тайёрланиб, кенг оммага етказиб келинмоқда. Шу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш ва бу борада фаоллик кўрсатётган оммавий ахборот воситалари вақилларини рағбатлантириш мақсадида Олий ҳўжалик суди томонидан “Адолат — қонун устуворлигида” танлови ўтказиб келинмоқда. Тadbirkor давомида мазкур танловнинг 2015 йилдаги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОР ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ривожлантириш, ёшларни, хусусан, касб-хўнар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тadbirkorликка жалб этишга бир қатор қўлай имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киририлган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, касб-хўнар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тўқтилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Жорий йилнинг 15 май кунини Республика Президенти томонидан қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ҳам хусусий тadbirkorлиқни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тadbirkorлик соҳасига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тadbirkorларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорига сўғурта бадал ва яқка тартибдаги иш берувчи тadbirkor учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорига солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан ун нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Яқка тартибдаги тadbirkorлар касб-хўнар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма

ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Шунга кўра, 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига хусусий мулкни, тadbirkorлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар кириш тўғрисида”ги Қонуни асосида Солиқ кодексининг 18, 180, 311, 373-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилди ҳамда янги 374-модда билан тўқтилиб унда ҳодимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи яқка тартибдаги тadbirkorлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига ҳос хусусиятлари белгиланб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқка яратилаётган бундай қўлай шарт-шароитлар Олмасор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тadbirkorлар, касб-хўнар коллежи битирувчилари билан уюштирилаётган учрашувларда, семинар ва давра сўхбатларида кенг қамровда тушунтириб берилмоқда. Натижада қўллаб касб-хўнар коллежлари битирувчилари бу каби қўлай имкониятлардан унумли фойдаланиб хусусий тadbirkor сифатида ўз фаолиятларини йўлга қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз раҳнамолигида ёшларни изланишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшашга ундаш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ўз самараларини бермоқда.

ИБРОҲИМ АБДУҚОДИРОВ,
Олмасор туман давлат солиқ
инспекцияси бошлигининг
биринчи ўринбосари



“АСЛ ОЙНА” МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

“Асл ойна” акциядорлик жамияти 2009 йилда Германиядан келтирилган технология асосида Сергели туманида иш бошлаган. Корхона бош технолог ёрдамчиси Лола Убайдуллаеванинг маълумот беришча, корхонада асосан турли ҳажмдаги шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда бу ерда 340 нафар ўз соҳаларининг уста билимдонлари хизмат қилишмоқда. Ҳом ашё цехида керакли компонентлардан маҳсулот учун база тайёрланади, ундан сўнг асосий цехда қиздирилиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади.

— Ишчилар учун барча керакли шароитларни яратиб берганмиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Раҳимов. — Махсус кийимлар берилиб, бепул тушлик ташкил қилинган. Уларни ишга олиб келиш ва уйларига олиб бориб қўйиш учун транспорт ажратилган.

Ишчилар малакасини ошириш мақсадида 2-3 йилда бир марта Германияда давлатига бориб малака ошириб қайтмоқдалар. Акциядорлик жамияти Сергели санаот касб-хўнар коллежи билан шартнома тузган бўлиб, ўқувчиларнинг амалиётлари шу ерда ўтади. Корхона мутахассислари айни пайтда янги лойиҳа, яъни иккинчи печни ўрнатиш устида иш олиб боришга, у ўрнатилгандан сўнг

120 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шунингдек, қўшимча 70-80 та иш ўрни яратилади. Бунинг учун 10,5 миллион евро миқдорда инвестиция киритилмоқда. Иккинчи печ 2016 йилнинг охирига қадар ишга туширилиши мўлжалланган.

— Ушбу корхонага 2010 йилда ишга келганмиз, — дейди ишчилардан бири Ж.Абаев. — Асосий вазифам ойна пишириш. Иш автоматик усулда баҳариланади. Ишлашимиз учун етарли шароитлар яратиб берилган, бу ерда меҳнат қилаётганимдан мамнунмиз.

Корхона маҳсулотлари ички бозордан ташқари хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ



ЮРТИМИЗГА ТҶЙЛАР ЯРАШАДИ

Сергели туман ҳокимлиги томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий шароитларини яхшилаш мақсадида тумандаги "Бахт Диёр" тўйхонасида 5 жуфт келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди.

Тадбирда Сергели туман ҳокими Ф.Максудходжаев туман жамоатчилиги номидан келин-куёвларга эзгу ниятларини билдириб, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришларини тилаган ҳолда "Тўйлар муборак" деб номланган никоҳ тўйини очиб берди ва ёш оилаларга керакли бўлган ошхона мебели тўпلامлари ва музлатгичларни топширди.

Ҳаётнинг бахт қошонасига қадам қўйётган ёш келин-куёвларнинг пойтахтимизнинг "Мустақиллик майдони"да қад ростлаган "Эзгулик аркаси" ҳамда "Япон боғи" бўйлаб саёҳатлари уюштирилди.

Ана шу каби тадбирлардан яна бири тумандаги "Элегант" тўйхонасида бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Йил фидойилари" деб номланган тантанали

маросимда фидойи ўқитувчи ва мураббийлар, шифокорлар, маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ободонлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари ва бошқа касб эгалари юртимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётганлари учун муносиб тақдирландилар.

Тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб ушбу фидойи инсонларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топшириб, уларнинг келгуси ишларига улкан зафарлар ёр бўлишини тилади.

Тадбир кўтаринки кайфият улашувчи куй ва қўшиқлар, қизқарли томошалар билан барчада яхши таассурот қолдирди.

Зафар НАЗАРОВ
Козим Улмасов олган суратлар



Хайр-саховат, инсонпарварлик ва мурувват халқимизга хос фазилат. Айниқса, кўнгли ўқисин инсонларга меҳр кўрсатиш, қалбларини қувончга тўлдиршига катта эътибор қаратилган.

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

"Сен ёлғиз эмассан — "Камолот" сен билан" ёшлар акцияси доирасида Тошкент шаҳар Сергели тумани Халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 33-ёрдамчи мактабда ўтказилган тадбир ҳам мана шундай мақсадда ташкил этилди.

Унда туман ҳокимлиги мутасадди вакиллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Дастлаб ушбу таълим муассасасида таълим олувчи ёшларга кўтаринки кайфият улаштириш мақсадида махсус бадий дастур намоиш этилди. Ўқувчилар томонидан она юрт, бахтли болалик ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи шеърлар айтилди. Саҳна кўринишлари ҳамда шўх куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг махсус мактаб ўқувчиларига ҳамкор ташкилотлар ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ва бошланғич ташкилот етакчилари томонидан совғалар улашилди.

Яшнобод туманидаги 61-умумтаълим мактабининг "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан анъанавий тарзда "Болалар — болаларга" деб номланган хайрия акция ҳафталиги ўтказилди.

Акция доирасида ўқувчи ва ота-оналар фаол иштирок этдилар. Йиғилган

совғалар мактабининг "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Муссар Тавчиева ва "Сардорлар кенгаши" аъзолари билан биргаликда тумандаги 52-ёрдамчи мактаб, 103-мактаб интернати ва 30-сонли Меҳрибонлик уйига тақдим этилди.

Зарина РУСТАМОВА

Никоҳдан олдинги тиббий кўрикда бўлгуси куёвда ирсиятга таъсир этувчи хасталик борлиги аниқланди. Тўй куни белгилаб қўйилган. Қолаверса, куёв томон ўз нуқсонини хаспўшлаш мақсадида қизнинг ота-онасини сарпо ташвишидан халос этди. Қудаларининг бундай "қўли очиклиги"дан бошлари осмонга етган ота-она қизининг эртанги тақдирини ўйлаш, шифокорлар тавсиясига риоя этишдан кўра, дабдабали тўй кўришга кўпроқ иштиёқманд бўлди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОИЛА СОҒЛОМ — ЖАМИЯТ СОҒЛОМ

Бироқ ҳали 17 ёшга тўлмаган, орзулари поймол бўлаётган қиз бунинг салбий оқибатларини яхши англади. Шу боис у атрофдагилардан наҳот кутади. Унга ўзи ўқиётган коллеждаги "Ораста қизлар" тўғрагининг аъзолари кўмакка келди. Ўқитувчилар, жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан муаммога ечим топилди — тўй тўхталди.

Бу — пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ бўлими қошидаги ёш оила курувчилар мактабида Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ижро этган "Муқаддас кўлгун" мавзусидаги саҳна кўриниши.

Бундай муаммолар кам бўлса-да учраб турибди, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пулатова. — Ушбу долзарб масалаларга нисбатан ёшларда ҳолис фикр, оқилона муносабат мавжудлиги барчамизни қувонтирди. Чунки ёшлар эртанги кунимизнинг давомчиларидир. Уларнинг жамият тараққиётига раҳна солувчи муаммоларга онгли муносабатда бўлиши, оила олдигаги ўз ҳуқуқ ва масъулиятини тўлиқ англаши, ўзи ва яқинларининг тақдирига бефарқ бўлмаслиги соғлом оилалар барпо бўлишига хизмат қилади. Шу боис туман ФХДЁ бўлими қошидаги ёш оила курувчилар мактабида бундай тадбирларни тез-тез ташкил этиб, уларга таълим масканларининг ўқитувчилари, ўқувчилар, ота-оналарни тақлиб қилаёмиз.

Дарҳақиқат, соғлом оила барпо этиш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазада тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти катта. Шуни назарда тутиган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳлангувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида никоҳланувчи ёшлар тўйдан олдин ирсиятга таъсир этувчи бешта касаллик — ОИВ вируси, сил, тиф, эҳвандлик, руҳий ва тери-таносил касалликларига оид тиббий текширувлардан ўтмоқда. Туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар, диспансерларда ушбу тиббий кўрикларни тез ва аниқ амалга ошириш учун барча шароит яратилган.

Янги ҳаёт оstonасида турган ёшлар бўлимининг ариза билан мурожаат қилган, улар тегишли тартибда тиббий кўрикка йўлланади, — дейди Шайхонтоҳур туман ФХДЁ бўлими муdiri Озода Абдуазизова. — Тиббий кўрик жараёнида ирсиятга таъсир этувчи касалликлар ҳам учраб туради. 2015 йилда йигирмадан ортқ ана шундай ҳолат кайд этилди. Бундай шароитда бўлажак келин-куёвларнинг ҳар иккисига ҳам вазият тушунтирилди. Бироқ баъзи ёшлар, ҳатто ота-оналар ҳам тўйни тўхтатмасликка қарор қилади. Улар кейинчалик қилмишидан пушаймон бўлганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай муаммоларга кўпинча аҳолининг тиббий маданияти етишмаслиги, қонунчилигимизда белгиланган тамойилларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англамаслик сабаб бўлмоқда. Шу боис аҳоли, хусусан, ёшлар орасида ушбу йўналишдаги тарғибот ишларини кенгайтириш, йигит-қизларга соғлом оила барпо этишнинг ҳуқуқий, тиббий, маънавий асосларини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бу борадаги вазифаларни ҳаётга таътибқ этишга хизмат қилаётди. Таълим масканларида ёшларимизга замонавий андозалар даражасида билим бериш баробарида уларнинг тиббий ва ҳуқуқий дунёқарашини юк-

салтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида тиббий-профилактика тадбирларини оилаларга яқинлаштириш, аҳоли орасига чуқур кириб бориш, тиббий-ижтимоий ҳимояга йўналтирилган лойиҳаларни тизимли асосда ташкил этиш бўйича замонавий тизим яратилган ва бу жараён изчил такомиллаштирилмоқда.

ФХДЁ бўлими қошида ташкил этилган ёш оила курувчилар мактаблари бу борадаги тадбирларнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Ушбу мактаблардаги мулоқотларга бўлажак келин-куёвлар билан бир қаторда коллежлар ўқувчилари ҳам мунтазам жалб этилади. Бундан мақсад ёшларни оила ва никоҳ қонунчилиги билан таништириш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оилани барпо этишда ёшларнинг масъулиятини ошириш, тиббий билим ва дунёқарашини юксалтириш, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини изчил таътибқ этишдир.

Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ бўлимида ташкил этилган ана шундай мактаб машғулотларига тумандаги етти та коллеж ўқувчилари қамраб олинган. Ҳар ойда бир марта ташкил этиладиган машғулотлар оила муштақамлиги, инсон саломатлиги, оналик ва болалик муҳофазаси, никоҳ масъулияти, репродуктив саломатлик каби долзарб мавзуларга бағишланмоқда.

Машғулотларда шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирок этиб, ёшларга зарур билим ва кўникмаларни ўргатаётди. Эл орасида обрў-эътиборга эга нуруний отахон ва онахонлар билан учрашувлар йигит-қизларда миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғусини кучайтирмоқда.

Соғлом она ва бола йилида ушбу йўналишдаги вазифаларни янада кенгайтириш мақсадида туман ФХДЁ бўлими мутахассислари иш режалари ва тарғибот лойиҳаларини такомиллаштириш, бундай тадбирларнинг таъсирчанлигини янада ошириш юзасидан изланмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, жумладан, маҳаллалар билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Зеро, бугунги кунда жамиятимизда кўплаб долзарб масалаларнинг ечимини топишда маҳаллаларнинг иштироки кенгайиб бораётди. Жумладан, маҳаллаларимизда аҳоли орасида ҳуқуқий онг ва тиббий маданиятни юксалтириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳалламизда бу йўналишдаги тадбирларни уюштиришда хотин-қизлар кўмиталари, тиббиёт ва таълим масканлари, ФХДЁ бўлими билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, — дейди ЎЗА муҳбирига Шайхонтоҳур туманидаги "Камолот" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Махкамова. — Саломатлик соғлом оила барпо этишда асосий вазифалар қаторига кириб қолди, қилмишидан афсусданам, — дейди Бехзод Ганиев. — Ота-онам, яқинларим бошини эгдим. Тинч, ҳалол меҳнат қилиш, эркинлик, озолик нақадар катта бахт эканини бугун англаб етдим. Юртбошимиз кечиримлилик ва бағрикенглик билан бизни кечириб янги ҳаёт бошлашимизга яна бир имкон бермоқдалар. Бу ишончнинг албатта оқлайман, ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларимни яхши тарбиялайман, токи улар мен қилган хатони такрорлаб, бошлари ҳеч ҳам эгилмасин.

Баҳор ХИДИРОВА

қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишларида жуда муҳим ўрин тутайди.

Амнистия акти қўллаш жараёни, унинг очик-ошкоралигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани эса мамлакатимизни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири ортиб бораётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, амнистия акти ижросини таъминлаш ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш, суд, прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқий ҳимоя қилувчи идоралар ходимларига муайян вазифаларни юклайди. Ушбу амнистия тўғрисидаги ҳужжатга асосан жазодан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий-қўллаб-қувватлаш, жамиятга мослаштиришга кўмаклашиш, иш билан таъминлаш асосий вазифалар қаторига кирилади.

Мен ёшлик қилиб, билиб-билмасдан жиноят қўчасига кириб қолдим, қилмишимдан афсусданам, — дейди Бехзод Ганиев. — Ота-онам, яқинларим бошини эгдим. Тинч, ҳалол меҳнат қилиш, эркинлик, озолик нақадар катта бахт эканини бугун англаб етдим. Юртбошимиз кечиримлилик ва бағрикенглик билан бизни кечириб янги ҳаёт бошлашимизга яна бир имкон бермоқдалар. Бу ишончнинг албатта оқлайман, ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларимни яхши тарбиялайман, токи улар мен қилган хатони такрорлаб, бошлари ҳеч ҳам эгилмасин.

Ҳа, умр инсонга фақат бир марта берилади. Уни мазмунли ва ибратли ўтказиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Биз ишонимизки, юксак бағрикенглик туйғулари айнан Янги йил арасида оиласи, яқинлари бағрига қайтган инсонлар энди бу кунгир йўлга қадам қўйиладилар, тинч ва осуда юрда озодлиқнинг қадрига етиб яшайдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган давра суҳбати, унинг доирасида "Жамият ва мен", "Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида" республика танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Халимбеков, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари босқичма-босқич ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда. Энг муҳими, соҳага жорий қилинётган имтиёзлар самарасида босма ва электрон нашрлар, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори соҳанинг барқарорлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Тадбирда демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналистлар масъулияти, унинг фаол фуқаролик позицияси, касб одоби, жамоатчиликка ҳолис ахборот етказишда иқтисослашувнинг долзарблиги хусусида сўз юритилди.

Бу жараёнда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Жамият ва мен", "Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида" танловлари журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, иқтидорли қалам-кашларни кашф этиш, уларнинг иқтисослашувини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилда мазкур танловларга газета, журнал ва веб-сайтлар томонидан 2,5 мингдан зиёд ижодий ишлар тақдим этилган.

Журналистика шарафли ва масъулиятли касб, — дейди "Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида" танлови совриндори, қоракалпоғистонлик журналист Азамат Пиривязов. — Давлатимиз раҳбари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, юрдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Азиза ҚИЁСОВА

ЯНГИ БОЖХОНА ПОСТИ ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос миллий божхона хизмати шакллантирилгани иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Бу жараёнда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, билимли ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 10 августдаги "Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунда дастуруламал бўлмоқда.

Янги йил арасида Тошкент вилояти божхона бошқармаси "Янгийўл" ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг янги биноси ишга туширилгани бу борадаги навбатдаги қадам бўлди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, божхоначилар, тадбиркорлар иштирок этди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзарахматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида божхона хизмати тизимида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани натижасида соҳа фаолияти такомиллашиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланганлигини таъкидлади.

Чиноз туманида жойлашган "Янгийўл" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхоначиларнинг самарали хизмат кўрсатиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда божхона расмийлаштируви ва божхона қўриғини амалга оширувчи ходимлар учун қўлай хоналар, замонавий меҳмонхона, энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари божхоначилар томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига оқсак даражада божхона хизмати кўрсатилишини таъминлашда катта роль ўйнайди. Энг муҳими, божхона расмийлаштирувини янада тезлаштиришга, бу орқали тадбиркорнинг вақт ва маблағини тежашга хисса қўшилади.

Божхона постида тадбиркорлар учун экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш учун "бир дарча" хизмати йўлга қўйилган. Электрон декларациялаш амалиётининг жорий қилинган тадбиркорларга ўз идорасида туриб божхона органларига юк декларацияси ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини бермоқда.

Мазкур постада 2015 йилда 6 мингдан ортқ божхона юк декларацияси электрон шаклда расмийлаштирилиб, давлат бюджетига ундирилган тўловлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошмишга эришилди. Янги бинода фаолият кўрсатётган саккизта божхона брокерлик фирмаси учун ҳам барча қўлайлик яратилган. Бу ерда бир вақтинч ўзида ўттизга яқин ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси юкларининг темир йўл ва автотранспорт воситалари орқали импорт ва экспортга расмийлаштируви амалга оширилди.

Соҳага кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик божхона органлари ходимларини зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга, Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этишга ва билдирилган ишончни оқлашга рағбатлантиради.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилгани ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2015 йил 3 декабрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Амнистия тўғрисидаги қарордан кўзланган мақсад эса билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларни кечириб, уларни жазодан озод этиш орқали қайта тарбиялаш, соғлом фикр, янгича қарашлар билан жамиятга қайтаришдан иборат. Бундай бағрикенглик ва кечиримликлдан баҳраманд бўлганлар қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равнақига хисса қўлишига ҳаракат қилади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББнинг жазони ўташ муассасасида бир гуруҳ жазони ўтаётганлар амнистия акти асосида озод этилиб, уларга янги ҳаёт бошлашлари учун имконият берилди.


Ушбу тадбирда шаҳар ишчи гуруҳи аъзолари — сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Тошкент шаҳар прокуратураси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда, — деди тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар прокуратура ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Жасур Охуннов. — Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги навбатдаги Қарорининг қабул қилиниши ушбу ислохотларнинг мантикий давомидир. Амнистия акти — мамлакатимизда инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат белгисининг амалдаги ифодасидир. Чунки билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириб, уларга нисбатан инсонпарварлик актини қўллаш ҳар

Реклама ўрнида

**"ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМОАТИ ЖАМОАСИ
БАРЧА ЎРТДОШЛАРИМИЗ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ**

Янги йил байрами билан энг эзгу
тилакларни изҳор этган ҳолда қизғин кутлайди.
Толеингиз баланд, соғлиғингиз мустаҳкам,
ризқу насибангиз зиёда бўлсин.
Байрам нафаси дилларимизга илиқлик,
хонадонларимизга файзу барака,
жоннатмакон юртимизга фаровонлик
олиб келсин!




**ХАЛҚАРО "ОЛТИН МЕРОС" ХАЙРИЯ ЖАМОАТ
ФОНДИНИНГ МУАССАСА ШАКЛИДАГИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Сизларни қутлуғ қадамлар билан
кириб келаётган янги – 2016 Соғлом она ва бола
йили билан чин дилдан табриклайди.
Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги
барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.
Йил давомида яхши кайфият
ва омад сизларни асло тарк этмасин.
Оидангиздан бахту саодат, хонадонларингиздан
тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака аримасин!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМий-ТЕХНИКАВИЙ
ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ
АРХИВИ ЖАМОАСИ**

барча ўртдошларимизни
орзиқиб кутилган янги 2016 йил
билан самимий кутлайди.
Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту
саодат, хонадонларингизга
тинчлик ва файзу барака тилаймиз.
Қалбимиздан янги йил шуқуҳи
ҳеч қачон аримасин!



Қадрли ўртдошлар!

Сизларни кириб келаётган 2016 йил
билан қизғин ва самимий
табриклаймиз. Соғлом она ва бола
йили барчамизга сиҳат-саломатлик,
қут-барака, фаровонлик, тинчлик ва
осойишталик олиб келсин.
Янги йилда барча яхши ниятларимиз,
режалаган улуғвор ишларимиз амалга
ошаверсин!

**"ЎЗБЕКИСТОН" НАШРИЁТ-МАТБАА
ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ**

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

барча
ватандошларимизни
кириб келаётган

*Янги —
2016 йил*

билан табриклайди!

Янги йилда Сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барака,
юртибизга хотиржамлик
ва фаровонлик
тилаб қоламиз!



O'ZSANOATQURILISHBANK

ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

CALL-MARKAZ: (0-371) 200-43-43. www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

**“ТОШКЕНТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИ”
ДАВЛАТ ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*азиз юртдошларимизни файз-тароват
ила кириб келаётган янги 2016 —
Соғлом она ва бола йили шодиёналари
билан чин қалбдан самимий
муборакбод этади.*

**Сизларга бахту саодат,
оилавий фаровонлик,
мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр
тилаймиз.**

*Обод диёримиздан меҳру оқибат,
файзу барака ҳеч қачон аримасин!*

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо
зийнати ила ҳар биримизнинг қалбимиздан
жой олган Янги йил байрами билан самимий
қутлаймиз.

**Дилларимиз шод, хонадонларимиз обод,
фарзандларингиз парвози янада баланд бўлсин!**

**Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш
бирлашмаси жамоаси**

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ
МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

*Мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларини
Янги йил байрами билан самимий табриклайди.*

**2016 йил барчамизга тинчлик,
мустаҳкам соғлиқ, шодлик, бахт,
омад ҳамда фаровонлик келтирсин.**

*Ватанимиз фаровон, хонадонларимиз нурафшон,
ёшларимиз бахтли ва саодатли бўлсин.*

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

*Азиз ҳамшаҳарлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва
иқтисодиётимизнинг юксалишига ўз ҳиссасини
қўшаётган тадбиркорлар!*

*Сизларни янги 2016 йил билан эзгу тилакларни изҳор
этган ҳолда қутлаймиз.*

*Байрам барчангизга кўтаринки кайфият ва чексиз
хурсандчиликлар улашсин. Жонажон*

*Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги абадий бўлиб,
доимо юксалиш ва тараққиёт сари одимлаб борсин.
Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.*

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
БИНОЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДЕПАРТАМЕНТИ
“YAKKASAROY TECHNOPARK” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
янги – 2016 йил билан
самимий табриклайди.
Озод ва обод диёримиз
бундан-да гуллаб-яшнайверсин.
Янги орзу умидларга,
қувончларга тўла бу қутлуғ
айём ҳар бир хонадонга
тинчлик-тотувлик олиб келсин.
Янги йилингиз муборак
бўлсин, қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган таъбир депутатлар, вазирилик ва идоралар, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини модернизация қилиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим беришга қаратилаётган доимий эътибор навқирон авлод камолотида муҳим омил бўлмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаётга таъбиқ этилиши натижа-

сида ёшларга умумий таълим олиш билан бирга замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими шакллантирилди.

Бугунги глобаллашув замонида ёшларни салбий иллатлар таъсиридан асраш, уларда тевакар-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ҳолис, мустақил фикрни шакллантириш, маънавиятини юксалтириш доимий эътиборда.

2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши ёшлар камолотида йўналтирилган бундай эзгу ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётди.

Тадбирлар

ТИББИЁТНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗЛАРИ

Тошкент тиббиёт академиясида "Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари" деб номланган маънавий-матрифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар негизда, ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлади.

— Мазкур тадбир Кексаларни эъзозлаш йили муносабати ҳамда ёшларнинг кекса авлодга бўлган ҳурмат ва эътибори, узок йиллар давомида тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб, ўз илмий, амалий салоҳияти билан давлатимиз, халқимиз ва тиббиёт оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган барҳаёт сиймоларни ёдга олиш мақсадида таш-

кил этилди, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг катта ўқитувчиси Омонтурди Миртазиев. Тадбирда Акбар Асқаров, Соҳиб Махсумов, Зулфия Иброҳимова, Носир Исмоилов каби профессорлар ва талабалар тиббиёт дарғаларининг заҳматли ва шарафли ҳаёт йўллари ҳақида инглиз ва ўзбек тилларида маъруза қилдилар.

Улар ўз чиқишларида тиббиёт олами жонқуярларининг босиб ўтган мазмунли ҳаёт йўли, фаолияти, илмий салоҳияти, изланишлари, тиббиёт соҳасида эришган ютуқлари ҳақида тадбир иштирокчиларига батафсил маълумот бердилар.

Тадбир фикр, мулоҳазаларга бой тарзда мазмунли ва мароқли ўтди.

Кутбиддин НИЗОМОВ

— Давлатимиз раҳбари маърузасида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди, — дейди Тошкент солиқ коллежи директори ўринбосари Дилбар Раҳмонова. — Бу чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш педагог ходимлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, соғлом фикрли, маънан етук авлодни вояга етказишда таълимнинг барча бўғини, жумладан, касб-хунар коллежларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, мактаб битирувчиларини ўрта махсус таълимга тўлиқ қамраб олиш, коллежни битириб мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Бу чора-тадбирларни ўз вақтида ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида "колледж – қорхона – ота-она" ҳамкорлик лойиҳаси доирасида уч томонлама шартномалар тузилиб, уларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Давра суҳбатида таълим тизимида амалга оширилаётган ишхотлар, эришилаётган натижалар ва уларнинг самарадорлигини янада юксалтиришга бағишланган маърузалар тингланди. Соғлом она ва бола йилида ўрта махсус таълим муассасаларида амалга оширилаётган устувор вазифалар хусусида фикрлашилди.

(ЎЗА)

Вақт – инсонларнинг ўтмишини ёдга солади, гоҳида уларнинг қалбига кириб бориб дўстлашади. У шундай нарсаси қодирки доним ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди.

Кўргазмалар

ҚЎШМА ФОТОЛОЙИҲА

Тошкент фотосуратлар уйида фототарассомлар Виктор Ан ва Виктор Вяткиннинг ижодий кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Чехра ва вақт" номли қўшма фотолойиҳада метафора ҳамда 30 дан зиёд санъат асарлари жой олган.

Улар орасида бастакор, мусиқа-чи, фотосуратчи, шоирларнинг пор-

третларига ҳам кўзингиз тушади. Шунингдек, ўзбек халқининг латофатли аёллари сиймоси гоҳат жонли тасвирланган.

Бу ердаги ҳар бир сурат инсонларни мушоҳадага чорлайди. Суратларда вақт тушунчаси тушунарли тарзда очиб берилган. Фотосуратчиларнинг юқори маҳорати томошабинлар қалбидан чуқур жой олди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси 2016 йил 8 февралда ўтказиладиган, тўғридан тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга тақлиф этади

Активларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;
- ушбу "Активлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш (иловадаги жадвал асосида);
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритиш қисқа муддатларда амалга ошириш (иловадаги жадвал асосида).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектининг бошланғич нарҳидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- тақлифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо қилинган савдо кунидан бошлаб йилгирима кун муддат ичида олдиротди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 8 февраль кунини соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16-А уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йилнинг 22 февраль, 7, 22 март ва 4, 18 апрель кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темуш шох кўчаси, 16-А уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига тақдоран чиқарилаётган давлат активлари

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда савловчи	ҚЎВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	"Махсусбулашга" МЧК	35,66 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмави кўчаси, 21-й	"Махсусбулашга" МЧК	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 840	100 000 000,00	1 йил
2	"МЧК шаклидаги "Безак" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-й	"МЧК шаклидаги "Безак" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичига энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шартли билан.	
3	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўмон йўли кўчаси, 25-й	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 418 246,00	5 552 474 622,00	1 850 800 000,00	1 йил
4	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўмон йўли кўчаси, 25-й	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010 100 000,00	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда савловчи	ҚЎВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Объектларнинг сотилиш нархи (объектларнинг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотуғар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилон ота кўчаси, 65-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	340 108 457,00	— энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;	
2	"Ток-геология жамаиқа экспедицияси" МЧК	29,5 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яхасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68а-й	"Ток-геология жамаиқа экспедицияси" МЧК	25.04.2012 №1743	197 104 700,00	177 394 230,00	— қўшимча инвестиция киритиш шартли билан;	
3	"YENGMATIMARKAZI" МЧК	25,0 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яхасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-й	"YENGMATIMARKAZI" МЧК	25.04.2012 №1743	243 444 680,00	219 100 212,00	— янги иш ўринларини ташкил этиш;	
4	"4-сон таъмирлаш қўрилиш йилиш бошқармаси" МЧК	98,64 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўмарик кўчаси, 3-й	"4-сон таъмирлаш қўрилиш йилиш бошқармаси" МЧК	25.04.2012 №1743	517 726 900,00	465 954 210,00	— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритиш қисқа муддатларда амалга ошириш (сўм билан 1 йил муддат ичига)	

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда савловчи	ҚЎВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция киритиш муддатлари (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
2	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўмон йўли кўчаси, 33-й	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
3	Ерданчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўмон йўли кўчаси, 29-й	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
4	Ерданчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўмон йўли кўчаси, 29-й	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
5	"Tayyorlov savdo" МЧК	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, Узумбоғ 9-тор кўчаси, 88-й	"Tayyorlov savdo" МЧК	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	—	—

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда савловчи	ҚЎВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция киритиш муддатлари (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қўрилиш тугалланган бино	2 194,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги	25.07.2013 № 209	1 404 154 739,00	— энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;	
2	3 қаватли бино-иншоот	2 207,00	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-й	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	1 947 155 863,00	— қўшимча инвестиция киритиш шартли билан;	

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 19 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтказиладиган объект бошланғич нархи олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги қўшма мулклар қўйилмоқда:

I. Мировод туман СИБ томонидан, 2013 йил 19 февраль кунини 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-йда жойлашган, умумий майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 63 144 000 сўм.

II. Мировод туман СИБ томонидан, 2012 йил 17 ноябрь кунини 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Чехов кўчаси, 40-йнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 27 662 550 сўм.

III. Мировод туман СИБ томонидан, 2012 йил 1 июнь кунини 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Мироншох 7-бек кўчаси, 10-йда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 152 981 991 сўм.

IV. Мировод туман СИБ томонидан, 2013 йил 19 февраль кунини 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Шахрисабз кўчаси, 10-йнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 33 476 244 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Шахрисабз кўчаси, 105-йнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 64 309 626 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Шахрисабз кўчаси, 10-йнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 33 476 244 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Эски Сарикўл кўчаси, 81-83-уйларда жойлашган, умумий ер майдони 909,34 кв.м., умумий майдони 179,10 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 192 058 114 сўм.

2016 йил 9 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтказиладиган очик аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 20 октябрь кунини 30/15-сонли

ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-й, 14-хонадонда жойлашган, умумий майдони 105,3 кв.м. бўлган уй-жой, ичидаги маиший техника ва жиҳозлар билан биргаликда. Бошланғич нархи 435 117 758 сўм.

Юқоридаги қўшма мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қўшма мулк бошланғич нарҳининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги кў., 18-й. Тел.: (0-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИДА

Ўзбекистон миллий матбуот маркасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси: Кеча ва бугун" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Фарход Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш шеър, мусиқа ҳамма-лигини ажодларимиз бой маънавий мероси билан уйғунлаштириш, шоир, бастакор ва хонанда билригида яратилаётган қўшиқларнинг мазмун-моҳиятини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, ижрочиларнинг профессионал маҳоратини ошириш ҳамда иқтидорли ёш хонандаларни кашф этиш учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Эстрада ижрочиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадий жихатдан юксак мусиқа асарларини кенг тарғиб қилиш таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги "Концерт томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ушбу соҳадаги ишлар қўламини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қарорга мувофиқ, концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги ва лицензия учун давлат божни ставкалари, концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш учун бир маротабалик руҳсатнома бериш тартиби ҳақидаги низоомлар тасдиқланган.

Илгари тижорат ва реклама мақсадларида ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари учун гувоҳнома берилган бўлса, энди тижорат мақсадларида ўтказиладиган тадбирларнинг сценарийлари ва дастурлари мутахассислар томонидан ўрганилиб, бегул равишда руҳсатнома бериш белгиланди. Шунингдек, тадбирда миллий қадриятларимиз, ахлоқ-одоб қондаларига мос қўшиқлар яратиш, ёш ижрочиларнинг маънавий олами юксалтириш борасидаги ишларни қўлайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

— Хозирги кунда мусиқа, айниқса эстрада санъати ривожланиб, келажак авлод орасида кенг оммалашиб бормоқда, — дейди "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари Муроджон Мақжидов. — Бу эса санъаткорлардан ўз ижодида янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришишимиз баробарида, ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Айниқса чет эл оҳангларига ўзбекча сўзларни қўйиб ижро этиш ҳоллари кўп кузатилмоқда. Бундай ноҳус ҳолларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси миллийлигимизга йўғрилган қўшиқларни қўлайтириш, эстрада жанрларида айтилаётган қўшиқларнинг савиясини янада ошириш, аниқлаштиришга амал қилган ҳолда мусиқа маданиятини нафақат хонанда, бастакор ва шоир, балки кенг омма орасида ҳам тарғиб қилиш борасида ишларни олиб бормоқда. Анжуманда санъаткорларга лицензия бериш тартибини қўлайтириш, ижрочиларга қўйиладиган талабларни ошириш борасида қизгин фикрлар билдирилди.

Гулчехра САТТОР қизи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидидаги барча фуқароларга ҳужалик юритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва қўшма мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга тақлиф этади.

Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 25.06.2014 йилдаги 10-1410/10075-сонли ижро

Реклама ўрнида

“3-АВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни
ЯНГИ – 2016 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Яратувчанлик завқи билан яшаётган
юртдошларимизга Ватан тинчлиги,
кўнгли ободлиги ва оила бахтиёрлиги
ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Қилаётган меҳнатимиз,
эзгу савб-ҳаракатларимиз
юртимизга, оилаларимизга
бахт ва омад олиб келсин!



“4-АВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Меҳнатсевар, танти, бунёдкор
халқимизни 2016 йил – Соғлом она ва
бола йили билан табриклайди.

Элимизнинг ризқи зиёда, толеи баланд
бўлсин, кўнглимиздаги энг эзгу, энг
олижаноб тилакларимиз амалга ошсин.
Янги йил ҳар бир хонадонга, ҳар бир
ғўшага қувонч ва шодлик олиб келсин!



TOSHRANGMETZAVOD



Янги 2016 йил билан!

Aziz yurtdoshlar!

“TOSHRANGMETZAVOD” XII AJ
jamoasi sizlarni Yangi 2016 yil bilan
chin yurakdan qutlaydi.

Barchangizga kirib kelayotgan yilda
sihat-salomatlik, tinchlik-omonlik,
baxt-saodat, xonadonlaringizga xotirjamlik
va farovonlik tilab qoladi.

Osmonimiz doimo musaffo, yurtimiz tinch bo'lsin!

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат
9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЯНГИ ЙИЛГА МУНОСИБ ТУҲФА

Мирзо Улугбек туманида 3-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар, Президентимиз раҳнамолигида маънан етук, жисмонан соғлом баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ижодий-интеллектуал иқтидорини янада шакллантириш ва ёшларни ҳеч қимдан кам бўлмаган қомил инсонлар этиб қамолга етказиш учун барча имкониятлар яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни босқичма-босқич таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мирзо Улугбек туманида иш бошлаган мазкур масканда ҳам, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва маданий дам олиш учун барча шароитлар яратилган. Концерт зали, миллий созандалик ва хонандалик тўғрисида керакли мусиқий жиҳозлар билан таъминланган.

— Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, ҳалқимизнинг номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини тарғиб қилиш, замонавий студиялар ва тўғарақларни, шунингдек бадий ҳаваскорлик жамоалари, бадий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, халқимиз орасида замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда, — дейди шахар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси мутахассиси Лола Каримова. — Ушбу масканнинг янги йил арафасида очирилиши

эса, туман аҳли қалбига бир олам қувонч бағишлади. Ёшларимизнинг санъатга ошно бўлиб ўсишида, турли хунар сирларини ўрганишида, мусиқий билимларини оширишида бу каби марказларнинг ўрни беқиёсдир.

Дарҳақиқат, келажак авлод учун яратилаётган бундай шарт-шароитлар ва имкониятлар замирида ёшларнинг бахтли ва фаровон, истиқболли келажакга замин яратилган. Маданият ва аҳоли дам олиш марказида, фуқароларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналарини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўғарақлар ташкил этилган.

Миллий ва замонавий рақс, миллий чолғу ижрочилиги, тикувчилик тўғарақлари, "Қуёшжон" намунали болалар хор жамоаси шулар жумласидандир.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари инсонларни маънавий баркамолликка қорлаш баробарида, уларнинг маданий дам олишлари билан бирга онг ва тафаккурини ҳам теранлаштиради, келажакги порлоқ ёшларимизнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улугбек туманидаги 3-маданият ва аҳоли дам олиш марказининг очилиш маросимидан лавҳалар

ҚИЗИҚАРЛИ ДАСТУРЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Янги йил байрами арафасида мамлакатимиз бўйлаб театрлаштирилган томошалар ва концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги 101-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўтказилди.

— Боланинг ишончини қозониш учун, аввало, самимият ва меҳр талаб этилади, — дейди мактаб-интернат директори Гулчехра Ахророва. — Бугунги кунда мактабимизда 200 дан зиёд бола замонавий шароитларда таълим-тарбия олмақда.

— Хар йили янги саҳна асарини саҳналаштирамиз ва унинг ранг-баранг ҳамда қизиқарли чиқишига интиламиз, — дейди 8-синф ўқувчиси Ойжамол Абдиқатова. — Театрлаштирилган томошада фойдаланадиган либослар ва режиссуралар дизайнини ўзимиз тайёрлаймиз.

"Гулшан" маданият саройида ҳам қизиқарли байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги қатор маданият саройлари ва Мирзо Улугбек тумани "Баркамол авлод" болалар марказининг ижодий жамоалари ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Хайрия концерт дастурига имконияти чекланган болалар ва кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар фарзандлари тақлиф этилди. Улар учун севимли эртақлар ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган дастур намоийш қилинди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ёшлар ижод саройида Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишохотлар жараёнида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу марказнинг бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этаётган лойиҳаларида ҳам ўз ифодасини топомқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида "Йил қўшиғи" кўрик-танлови, "Рақс сеҳри", "Нима қилдик Ватан учун?" фестиваллари, "Қуйла, ёшлигим!" эстрада-вокал танловлари ёш истеъоддорларни анқлаш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этди.

"Парвоз" ўқув-ижодий курслари давомида соҳа мутахассислари томонидан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш, маданият ва санъатда муваффақиятларга эришиш йўллари, турли иллатлар ва ёт ғоялардан огоҳ бўлишга оид маълумотлар берилди.

Ёши улуг инсонларни қадрлаш, уларга муносиб ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида "Кексалар эъзозда" деб номланган концертда бу жиҳатлар янада яққол намоян бўлди. Бу каби саъй-ҳаракатлар нуронийларимизнинг мароқли дам олиши, муносиб ҳаёт кечириши, оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Анжуманда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шугулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилган зарур шароит ва имкониятлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш касалликлари ичида жуда оғир кечадиган турларидан бири бу ботулизмдир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб — яъни кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш ҳусусиятига эга бўлганлиги учун ташқи муҳит таъсиротларига жуда ҳам чидамли бўлиб, қайнатганда ҳам ўлмайди. +120 С даража ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фоизли формалин зарарсизлантирувчи моддаси таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меъда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у қонга сўрилиб, инсон организмидан заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳитда қуруқ шароитда, тупроқда узок йилларгача сақланади.

Ботулизм касаллиги асосан уй шароитида тайёрланган дудланган гўшт, сабзавот ва мева консерваларини истеъмоли билан боғлиқдир. Аҳоли ўртасида ботулизм билан хасталаниш ноябрь ойидан бошланиб, май охиригача давом этади. Охирги йиллар давомида уй шароитида тайёрланган маринадланган бодринг, помидор, патиссон, кўк нўхот, қалампир, қўзиқорин консервалари, бақлажон икраси ва дудланган балиқ каби маҳсулотларни истеъмоли қилиш касалликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлаётти.

Касалликнинг клиник белгилари тўсатдан бошланиб, беморлар хасталик бошланиши вақтини қўпчанга аниқ айтадилар. Ботулизм ҳолсизланиш, бош оғриги, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгли айниши, қайд қилиш, бош айланиши ва 1-2 мартаба ичнинг суюқ кетиши қиска давр кузатилади. Тўш суяги ортида оғрик, кекириш, қоринда оғрик ва дамланиш ҳоллари учраб туради. Қайд қилиш ва ич кетиши қиска давр кузатилиб, неврологик белгилар бошланганидан сўнг одатда йўқолади. Ич кетиши тўхтаб, қабзият юзага келади, меъдадан озуқа моддасининг эвакуациясининг секинлашуви, ҳатто тўхташи мумкин. Неврологик белгилар: кўз олдига "туман", "парда" пайдо бўлади, битта буюм иккита бўлиб қўринадилар.

Ботулизм билан хасталанишнинг биринчи кўришларида оддий қондаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз: Бозорларда ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шароитларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган дудланган гўшт ва балиқ ҳамда сабзавот-мева консерва маҳсулотларини харид қилманг.

Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балиқ, қўзиқорин ва сабзавот-мева консерва маҳсулотларини ҳамда дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини харид қилишдан олдин, ушбу маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатлари борлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлинг. Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг сақланиш муддатлари ўтиб кетмаганлигига, идишларининг бутунлигига, қопқоқларининг шишмаганлигига эътибор беринг. Сақлаш муддати ўтган, қопқоғи шишган (бомбаж), деформацияланган ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган консерва маҳсулотларини оёқ харид қилманг.

Ушбу тавсияларга амал қилмасдан, ботулизм хасталигига чалинган беморда касалликнинг юқорида қайд этилган аломатлари намоян бўла бошлаши билан уни зудлик билан энг яқин тиббий муассасага элтишни унутманг. Ўз вақтида кўрсатилган маълумоти тиббий ёрдамгина беморнинг тез кунда соғайиб кетишига имкон яратди.

Ўзингизни ва яқинларингизнинг саломатликлари ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Ф.МУХИТДИНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида юртимиз ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук вояга етишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Замонавий шарт-шароитларга эга спорт мактабларида ўтказилаётган турли мусобақалар ёш спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Учтепа туманидаги 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида ўтказилган бокс бўйича республика очик турнири ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. 2000-2001, 2004-2005 йилларда таваллуд топан ёш чарм кўлроқ усталари голиблик учун рингга кўтарилдилар.

— Ёш авлодни жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланишга жалб этиш ва спорт турларини янада оммалаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш асосий мақсади-миз, — дейди 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича бош мураббийи Фанишер Жангиров. — Спорт мактабидида турли мусобақалар ўтказиб келинади. Хар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган бокс бўйича мусобақа ҳам шулар жумласидан. Бу йилги турнирда Қозоғистон ва республикамизнинг турли ҳудудлари ҳамда пойтахтимиздаги БЎСМлардан жамоалар иштирок этишди. Умумий қатнашувчиларнинг сони 265 нафарни ташкил қилди. Мазкур турнир болалар спортини ривожлантириш, ёш ва умидли спортчилар сафини янада кенгайтириш мақсадида ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Спортчиларимизнинг халқаро, Ўзбекистон ҳамда шахар турнирларида қўлга киритаётган ютуғи қалбимизни фахрга тўлдирди. Албатта бундай ютуқларни қўлга киритишимизда мактабимизнинг раҳбари Равшан Шукуров, ва барча мураббийларнинг ҳиссаси катта. Шу билан бирга бокс бўйича мураббий Бахтиёр Тўрабоев ҳам мазкур мусобақада "Энг яхши мураббий" номинациясида голиб деб топилди.

Мактабнинг малакали спорт мураббийлари спортнинг 9 тури бўйича тўғарақларда фаолият юритишмоқда. Бадий гимнастика, бокс, дзюдо, юнорум кураши, таэквондо, комбат-айкидо, кикбоксинг, футбол ҳамда каратэ тўғарақларида 488 нафар ўғил-қизлар шугулланиб келишмоқда. Шуларнинг 92 нафарини қизлар ташкил этади.

— Спортга меҳр қўйган ёшларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани эртаимиз эгаларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқув тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Равшан Ибрагимов. — Халқаро мусобақаларда голиб бўлиб, юртимиз байроғини баланд тутаетган ўғил-қизларнинг муваффақияти эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўини оширишга хизмат қилади. Профессиналлар орасида кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Рустам Рихсиев, комбат-айкидо бўйича жаҳон чемпиони Хурид Эшонқулов, кикбоксинг бўйича Осиё чемпиони, терма жамоа аъзоси Зафар Қаҳҳоров ва бошқа кўлаб спорт усталари ёш спортчиларни тарбиялаб келишмоқда.

Тадбир доирасида юртимиз довуғини дунёга танитаётган спортчилар томонидан ташкил этилган маҳорат сабоқларида ёшлар ўз билим, тажриба ва маҳоратини янада ошириди. Турнир қатнашчилари учун пойтахтимиздаги музейларга саёҳатлар уюштирилди.

Турнир натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўринни 27-БЎСМ жамоаси эгаллади. 2-ўрин Андижон вилояти жамоаси, 3-ўрин эса Тошкент вилояти жамоасига насиб этди.

1-2-3-ўринни эгаллаган ва турли номинация голибларига эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БАРКАМОЛЛИК САРИ

Пойтахтимизда "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз" акцияси доирасида боулинг бўйича "Қамолот-боулинг" турнири бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётганини таъкидланди.

Илк мартаба ўтказилаётган турнирда 33 та олий ўқув юртидан 165 нафар талаба-ёшлар иштирок этди.

— Мазкур акция ёшларимизнинг, соғлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, улар қалбидида спортга иштиёқ уйғотиш мақсадида ташкил этилди, — дейди "Қамолот" ЁИХ Тошкент шахар Кенгашининг матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматулаева. — Зеро, соғлом танда — соғ ақл деган ҳикматли сўз бежизга айтилмаган. Ушбу хайрли ва мақсадли

тадбирларнинг ўтказилиб бориши ёшларимизнинг бардам, соғлом, ақлу тафаккурга эга қомил инсонлар бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади. Чунки спорт саломатлик, гўзаллик ва нафосат рамзидир.

Турнирнинг биринчи босқичида пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг "Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилотли аъзоларидан ташкил топан жамоалар иштирок этди. Иккинчи босқичда олий ўқув юртларининг голиб жамоалари ўзаро беллашди.

Мусобақа якунида голиб жамоалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулнор САТТОРОВА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электроник манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г-1255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
5993 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.20

1 2 3 4 5